

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**262 Маҳсулотларнинг монопол турларини товар-хом ашё биржаси орқали сотиш рўйхатини янада кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг монопол турларини товар-хом ашё биржаси орқали сотиш рўйхатини янада кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улардан фойдаланишини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси» очиқ акциядорлик жамиятининг маҳсулотларнинг қўшимча монопол турлари рўйхатини тасдиқлаш, уларни 1-иловага мувофиқ биржа савдоларига қўйишнинг энг кам ҳажмини белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2011 йил 1 июлдан бошлаб:

маҳсулотларнинг 1-иловага киритилган монопол турларини сотиш Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низомнинг I бўлимига мувофиқ амалга оширилади;

ишлаб чиқарувчи ташкилотлар маҳсулотларнинг ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ монопол турлари мажбурий тартибда биржа савдоларига қўйилишини амалга оширадилар, 2011 йил учун улар бўйича муддатини узайтириш ҳуқуқисиз шартномалар тузилган ҳажмлар бундан мустасно;

маҳсулотларнинг 1-иловада кўрсатилган, биржа савдоларида сотиб олинган монопол турларидан фақат ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилади, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта сотиш тақиқланади.

1-иловада кўрсатилган, истеъмолчилар томонидан биржа савдоларида сотиб олинган ресурсларни қайта сотиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қайта сотишдан олинган даромад бюджетга олиб қўйилади, даромадга олинган даромад суммасининг 50 фоизи миқдоридан жарима санкциялари солинади, ундирилган жарималар ҳам бюджетга ўтказилади.

Корхоналарнинг ресурсларни қайта сотиш ҳолатларига йўл қўйган раҳбарлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

3. 2011 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ маҳсулотларнинг ушбу қарорга 1-иловада, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 1 ва 2-иловаларда кўрсатилган стратегик ва монопол турларининг календарь ой якунларига кўра тўғридан-тўғри шартномалар бўйича экспортга ва ички бозорга сотилмаган

ҳажмлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар (сотувчилар) томонидан мажбурий тартибда биржа савдоларига қўйилади.

4. «Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси» очик акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Давлат мулки қўмитасининг Биржа савдоси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида маҳсулотларнинг сотиб олинган юқори ликвидли ва монопол турларидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланувчи қатнашчиларнинг биржа савдоларидан фойдаланиши механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифи маъқуллансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, «Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси» очик акциядорлик жамияти, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 21 июнь,  
185-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 21 июндаги 185-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Маҳсулотларнинг биржа савдоларига қўйиладиган  
қўшимча монопол турлари рўйхати ва уларнинг  
ЭНГ КАМ ҲАЖМИ**

Т/р	Маҳсулотларнинг монопол тури номи	Энг кам ҳажми*
1.	Техник мойлар	50%
2.	Печ ёқилғиси	50%
3.	Техник керосин	50%

\* Республика ичида истеъмол қилинадиган ҳажмдан.

Т/р	Маҳсулотларнинг монопол тури номи	Энг кам ҳажми
4.	Техник олтингугурт	10%
5.	Кальцийланган сода	100%
6.	Нитрон тола	50%
7.	Бинокорлик ойнаси	50%
8.	Сирка кислота	80%
9.	Ацетат ип	50%

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 21 июндаги 185-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низома киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банднинг учинчи хатбошидаги «ишлаб чиқарувчи корхоналар» сўзларидан кейин «(сотувчилар)» сўзи қўшилсин;

2. 31-бандда:

иккинчи хатбошидаги «дизель ёнилғиси» сўзларидан кейин «бюджет маблағлари ҳисобига» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда бюджет ташкилотлари автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини биржа савдолари орқали бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сотиб олишлари мумкин».

3. 32-бандда:

«белгиланган нархлар бўйича» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда автомобиль бензинини сотиш белгиланган нархлар бўйича, дизель ёнилғисини эса нефтни қайта ишлаш заводининг нефть базаларигача етказиб бериш учун ташиш тўловлари ва нефть базаларининг устама нархлари улгуржи-сотиш нархлари йиғиндиси сифатида ҳосил бўладиган нархлар бўйича амалга оширилади».

4. 34-35-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«34. Кейинчалик аҳолига сотиш учун мўлжалланган автомобиль бензини ва дизель ёнилғисининг бозор фондини сотиш тегишли лицензияга эга бўлган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари орқали амалга оширилади.

Автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари томонидан автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини сотиб олиш нефть базалари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича нефтни қайта ишлаш заводининг нефть базаларигача етказиб бериш учун ташиш тўловлари ва нефть базаларининг

устама нархлари улгуржи-сотиш нархлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва ҳолатларда нархга киритиладиган суммалар йиғиндиси сифатида ҳосил бўладиган нархлар бўйича амалга оширилади.

Автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчалари автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини аҳолига белгиланган нархлар бўйича сотадилар.

35. Автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси, мазкур Низомнинг 31 — 34-бандларида кўрсатилган ҳажмлардан ташқари, очиқ биржа савдолари орқали сотилади».

5. 36-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирдаги иккинчи — тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Очиқ биржа савдоларида бошланғич нархи:

автомобиль бензинига — белгиланган нархлар бўйича;

дизель ёнилғисига — нефтни қайта ишлаш заводининг нефть базаларига чача етказиб бериш учун ташиш тўловлари ва нефть базаларининг устама нархлари улгуржи-сотиш нархлари йиғиндиси сифатида ҳосил бўладиган нархлар бўйича белгиланади»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.